

Аёллар тадбиркорлиги бўйича молиявий кодекс мажбуриятномаси (WE Finance Code Commitment)

“Ўзмилийбанк” АЖ Аёллар тадбиркорлиги бўйича молиявий кодексни қўллаб-қувватлайди ва ҳамкорлар ҳамда бошқа манфаатдор томонлар билан биргаликда аёл-тадбиркорларни молиялаштиришда чекловлар ва муаммоларни бартараф этишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни амалга ошириш ва маълумотларни шакллантиришни таъминлаш учун ҳамкорлик қилади, жумладан:

1. Кодексни қўллаб-қувватлаш бўйича ташкилий ташаббусларни амалга оширилишини таъминлаш учун қуйидаги раҳбарни масъул этиб тайинлайди: **Жалилов Баҳодир Амиралиевич – Бошқарув раиси ўринбосари**
2. Аёл-тадбиркорларни молиялаштириш даражасининг қуйидаги келишилган кўрсаткичлари бўйича статистикани юритади:
 - Жами банк мижозларидан аёл-тадбиркорлар улуши ва сони;
 - Жами ажратилган кредитлар миқдоридан аёл-тадбиркорларга ажратилган кредитлар улуши;
 - Аёл-тадбиркорлар томонидан кредит олиш учун келиб тушган аризалар сони ва ажратилган кредитлар сони ва миқдори;
 - Аёл-тадбиркорларга ажратилган муаммоли кредитлар улуши (NPL);
 - Аёл-тадбиркорларнинг депозитлари сони ва суммаси;
 - Миллий мувофиқлаштирувчи ташкилот ва ишчи гуруҳ томонидан белгиланган кўрсатмалар асосида бошқа статистик маълумотлар.
3. Аёл-тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар жорий этади ва кенгайтиради:
 - 3.1 **Маълумотлар базаси:**

Кўрсаткичлар ва эришилган натижалар юзасидан маълумотларни миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотга тақдим этиш.
 - 3.2 **Молиявий хизматлар:**
 - “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури” доирасида аёл-тадбиркорлар учун **25 млрд. сўм** маблағлар ҳисобига ҳудудлар тоифасидан келиб чиқиб, йиллик **19 фоиздан 23 фоизгача кредитлар ажратиш**;
 - Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган хотин-қизлар учун “Олий таълим ташкилотларини битирувчи” лойиҳаси доирасида **4,2 млрд. сўм (ПҚ-61-сонли қарор доирасида)** маблағлар ҳисобига йиллик **18 фоиздан 21 фоизгача кредитлар ажратиш**;
 - Хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **1,7 млрд. сўм** маблағлар ҳисобига йиллик **24 фоиздан кредитлар ажратиш**.

3.3 Номолиявий хизматлар:

Йил давомида “Тошкент шаҳар”даги лидер тадбиркор аёллар билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ аёллар иштирокида 4 та (ҳар чоракда) амалий семинарлар ўтказиш.

“Ўзмиллийбанк” АЖ ушбу мажбуриятлар ва кўрсаткичлар бўйича имтиёзли давр тугагандан сўнг, миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотга мунтазам равишда ҳисобот беради. “Ўзмиллийбанк” АЖ Кодекс доирасида қабул қилинган мажбуриятлари тўғрисида жамоатчиликка эълон қилади. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга доир гендер бўйича ички сиёсати, молиявий ва номолиявий хизматлар юзасидан ахборот бериб боради.

Бошқарув раисининг ўринбосари


Жалилов Баҳодир

Obligation under The Women Entrepreneurs Finance Code (WE Finance Code Commitment)


"Uzmilliybank" JSC supports the Women Entrepreneurs Finance Code and collaborates with partners and other stakeholders to implement measures and ensure the formation of data that will help eliminate the limitations and financing gaps for women entrepreneurs, including:

1. To ensure the implementation of organizational initiatives in support of the Code, appoints the following leader as responsible: **Jalilov Bakhodir Amiraliyevich - Deputy Chairman of the Board**
2. Track the following agreed indicators on the level of financing for women entrepreneurs:
 - The share and number of female entrepreneurs among all bank clients;
 - Share of loans allocated to women entrepreneurs out of the total amount of loans allocated;
 - Number of applications received for loans from women entrepreneurs and the number and amount of loans allocated;
 - Share of non-performing loans (NPL) allocated to women entrepreneurs;
 - Number and amount of deposits of women entrepreneurs;
 - Other statistics based on the guidelines set by the National Coordinating Organization and the Working Group.
3. Introduce and expand measures to support women entrepreneurs:
 - 3.1 **Database:**

Providing data on indicators and results to the national coordinating organization.
 - 3.2 **Financial Services:**
 - Within the framework of the "Continuous Support Program for Small Businesses", allocate loans for women entrepreneurs at an annual **interest rate of 19% to 23%**, depending on the category of regions, at the expense of **25 billion soums**;
 - Allocating loans at an annual interest rate of **18 to 21%** for women wishing to start their own businesses within the framework of the "Graduates of Higher Education Institutions" project, amounting to **4,2 billion soums** (*As part of the decision PQ-61*);
 - Supporting women entrepreneurs in the service sector, allocate **1,7 billion soums** in loans at an annual **interest rate of 24%**.
 - 3.3 **Non-Financial Services:**

Conducting 4 practical seminars (every quarter) with the participation of more than 100 women in collaboration with leading women entrepreneurs in Tashkent City throughout the year.

"Uzmilliybank" JSC regularly reports to the national coordinating organization after the end of the privileged period on these obligations and indicators. **"Uzmilliybank" JSC** announces to the public about its obligations under the Code. It also provides information on internal gender policies, financial and non-financial services to support women's entrepreneurship.



Deputy Chairman of the Board

Jalilov Bakhodir